


Хабар

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992 yil martdan chiqa boshlagan

2002 yil, 12 iyul № 28 (513)

Sotuvda narxi erkin



ТАЙИНЛАШ

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов фармойишига кўра Хуршид Абдухамидович **КАРИМОВ** Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари масалалари комплекси раҳбарининг ёрдамчиси этиб тайинланди.

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

• Танқиддан сўнг

“Андижон Телеком” филиали “Хабар” газетасининг 2002 йил, 14 июндаги 24-сонида чоп этилган “Сифатли хизмат раҳбар масъулиятига боғлиқ” номли танқидий мақола юзасидан куйидагиларни маълум қилади.

Вилоятнинг Бўз туманида жойлашган сўзлашув масканида ҳақиқатдан ҳам МТФ андозасидаги бланкалар ўрнига оддий қоғозлардан вақтинча фойдаланилган. Ҳозирда Бўз ва барча шаҳар ҳамда туман телекомму-

никация боғламалари сўзлашув масканлари МТФ-4,5,6,7 бланкалари билан етарли микдорда таъминланди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда мижозлар билан муомала маданиятини янада яхшилаш бўйича сўзлашув масканлари ходимлари орасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

М. НИЁЗОВ,
“Андижон Телеком” филиали директорининг биринчи ўринбосари

ОЛАМДА НИМА ГАП?

• ЯНГИЛИКЛАР • ВОКЕАЛАР • ХАБАРЛАР



• Марказий Осиё давлатлари ва Россия раҳбарларининг Қозғистоннинг Октов шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида мамлакатимиз президенти Ислам Каримов иштирок этди.

• Тошкентда Олий Мажлисининг Саноят, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

• Германиянинг Дортмунд шаҳрида юнон-рум кураши бўйича Гран-При турнирида халқаро турнир низоҳасига етди. Унда дунёнинг 30 мамлакатидан иштирок этган юзлаб спортчилар орасида мамлакатимиз вакиллари умумжамоа ҳисобида Куба ва Германиядан кейин учинчи ўринни эгаллашди.

• Жанубий Кореянинг Пусан шаҳридаги харбий заводда содир бўлган портлаш оқибатида уч киши ҳаётдан қўз юмди. “Poongsan Corp” компанияси раҳбарининг сўзлари-

га қараганда, портлаш оддий технологик жараён пайтида кутилмаганда юз берган.

• Чехия Бош вазирининг ўринбосари, ташқи ишлар вазири Ян Каван шу йил 10 сентябрдан бошлаб Жанубий Кореяда бўлиб ўтадиган БМТ Бош Ассамблеясининг 57-сессиясига раис этиб сайланди. Янги раис ҳар сафаридан икки ой аввал сайланган бўлиб, бу ташкилотчиларга тадбирга тайёргарлик кўриш учун кўпроқ вақт ажратиш имконини беради.

• Суматра оролидаги Палембанг шаҳридаги беш қаватли бинода жойлашган қаҳвахонада содир бўлган қули ёнғин оқибатида ҳалок бўлганлар сони ҳозирда 44 кишини ташкил этмоқда. Қутқарувчиларнинг фикрига кўра, ёнғин бошланганда бинода 50 дан зиёд киши бўлган.

• Австриянинг Линц шаҳри яқинида 90 ёшли қария асаларилар ҳужумига дучор бўлган. Барчани ҳайратлантирган томони, қарияни минглаб асаларилар чақшига қарамай, у тирик қолган. Шифокорларнинг айтишича, одам 100 тадан 500 тагача асалари чақшига бардош бериши мумкин, ҳолос.

Бухоро шаҳри яқинидаги “Соҳибкор” ширкат ҳўжалигида истикомат қилувчи кишилар салкам ўн кун давомида жиғибийрон бўлишди. Чунки ҳаво орқали ўтган алоқа кабелли бир гуруҳ номаълум шахслар томонидан ўғирлаб кетилгани боис ушбу ҳудуддаги телефонлар шунча кун “мум тишлаб” турди. Алоқа хизмати мутасаддилари ва ишчи-хизматчиларининг жонқуярликлари туфайли кабеллар қайта тикланди, бирок ўмарилган 340 метр узунликдаги кабеллар қиймати нисбатан бир неча баравар кўпроқ маблаг сарфлашга тўғри келди.

Бухоро аэропортини ташқи муҳит билан боғловчи йўналишда номаълум шахслар узунлиги 500 метр бўлган кабелни ўғирлаб кетишган. Шунингдек, шаҳардаги Т.Авазова, «Шарқ-2», С.Айний, Қ.Муртазоев кўчаларида ҳам юқоридагидек ўғирликлар содир этилган. Натижада телефонлар 4800 соат ишламаган.

Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламасига қарашли асосий йўналишларни қувват билан таъминлаб турадиган магистрал кабеллар ҳамда станцияларро кўшилмалар ортиқча ҳаво босими остига қўйилган бўлиб, кўпгина тақ-

симлагич тармоқларда, айниқса яхши ҳимояланмаган жойларда махсус электр сигнализация ўрнатилган. Бундан ташқари, барча АТСларда кўриқлаш ва авария-тиклаш бригадаларининг навбатчилиги ҳам ташкил этилган. Кўчалардаги темир шкафлар кўшимча зичлантирувчи қурилмалар билан жиҳозланиб, ер ости канализациясининг назорат қилинувчи қудуқларидаги тирқишлар электр пайвандлаш

ҲАМЖИҲАТЛИКДА КУРАШАЙЛИК

йўли билан маҳкамлаб ташланганлиги ҳам келиб чиқиши мумкин бўлган нохуш воқеа-ҳодисаларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўтган йилги кабел ўғирликлари билан боғлиқ маълумотларга кўз ташласак, бундай нохуш ҳолларнинг аксарияти асосан кўп қаватли уйларда содир этилаётганлигига гувоҳ бўламиз. Гап шундаки, жойлардаги маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ўз ҳудудида алоқа симларига қилинаётган тажовузуларнинг олдини олиш учун аниқ чора кўрмаётилар.

Ўтган 2001 йил давомида Бухоро шаҳри алоқа йўналишлари бўйича сизими 20-30-50-100 ва ҳатто 400 жуфтли асосий ва

•Муаммо

тақсимлагич алоқа линиялари ўғирлаб кетилган ёки уларга жиддий зарар етказилган. Жами икки минг метрдан ортиқ кабел ўғирланган, натижада давлат 2,5 миллион сўмлик моддий зарар кўрган. Рўй берган 25 та ўғирлик бўйича тегишли ҳужжатлар ўз муддатида расмийлаштирилиб, ҳуқуқ-тартибот идораларига топширилганига қарамай бугунги кунгача жиноятларнинг фақат

ярми очилди, ҳолос.

2002 йилнинг ўтган 6 ойи ичида содир этилган ўғирликлар оқибатида шаҳар телекоммуникация боғламаси икки миллион сўм моддий зиён кўрган. Аини дамда ўғирликлар устидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

Ҳаётимиз фаровонлигини таъминлашдаги муҳим воситалардан бири — алоқа ва телекоммуникация иншоотларини асраб-авайлаш, дахлсизлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

М. ЖУМАЕВ,
“Бухоро Телеком” филиали Бухоро шаҳар телекоммуникация боғламаси бошлиғи

Хабар КАНДАЙ БЎЛИШНИ ИСТАЙСИЗ?

Мана ўн йилдирки, республикамиз алоқачиларининг наشري — “Хабар” газетаси халқ ҳўжалигининг муҳим тармоғи ҳисобланмиш алоқа соҳасини баҳоли-қудрат ёритиб келмоқда. Эндиликда газета алоқачиларнинг яқин ҳамкори-ҳамроҳига айланди. Аини чоғда оммавий ахборот воситаларига қўйилаётган давр талаби таҳририят ходимларининг тинимсиз изланиши лозимлигини таъкид этмоқда. Хўш, “Хабар” фаолиятини янада самарали қилиш, уни алоқа хизматидаги кўрсонли заҳматқашлари ва муштарийлари кўнглига яқин этиш учун уни алоқа керак? Бу борада ҳали фойдаланилмаётган имкониятлар борми? Биз Сиз азиз муштарийлар, алоқа соҳасининг мутахассис-мутасаддилари фикрини билиш учун қуйидаги са-

воллар билан мурожаат қилмоқдамиз:

1. Газета саҳифаларида алоқа ва ахборотлаштириш хизмати билан боғлиқ қандай муаммоларнинг ёритилишини истайсиз?

2. “Бетга айтганнинг захри йўқ”, “Танқид”, “Ёднома”, “Алоқа соҳасида тадбиркорлик”, “Қилмиш-қидирмиш”, “Таҳлил”, “Муаммо”, “Мулоҳаза”, “Тақлиф” каби рункларда берилаётган мақола-лар, танқидий чиқишлардан қоникши ҳосил қилясизми? Бундай чиқишларнинг янада самарали бўлиши Сизнингча нималарга боғлиқ?

3. Газетанинг тўртинчи — ҳафтаси маърифий саҳифасидан кўнглингиз тўлётганими? Ушбу саҳифада яна қандай мавзуларга ўрин ажратилишини хоҳлайсиз?

4. “Хабар”ни янада мазмундор, самарали ва қизиқарли бўлиши

учун яна қандай масалаларга эътибор бериш керак деб ўйлайсиз?

Озгина фурсатингизни аямай, ушбу саволларга ёзма ёки телефон орқали жавоб берсангиз, (Агар Сиз фикрингизнинг газета саҳифасида чоп этилишига истихоло қилаётган бўлсангиз, бевосита Агентлик раҳбариятига ёки ДАИга мурожаат қилишингиз мумкин.) нафақат таҳририят фаолиятининг самарали бўлишига, балки алоқа соҳасидаги муаммо ва нуқсонларнинг бартараф этилишига ҳам катта ёрдам берган бўласиз.

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 144-29-09,
136-36-42, 136-35-29.
Факс: 132-16-16, 133-10-85.

ИНТЕРНЕТ ЎЗБЕКИСТОНДА

Бугунги кунга келиб дунёда мислсиз илмий кашфиётлар қилинмоқда, улкан техникавий имкониятлар кенгайиб борапти. Кино кашф қилинганда, "энди театрнинг кераги йўқ", дейишганди. Радио ихтиросидан сўнг эса "телефонга ҳоҳат қолмайди" деб айт-

ганлар. XX аср охирига келиб кинога ҳам, радиога ҳам, телефонга ҳам ҳоҳат қолдирмайдиган техника — ИНТЕРНЕТ кашф этилди. Ҳозирги кунда Республикамызга ҳам Интернет технологиялари шиддат билан кириб келди. Бу тизим орқали ахборот алмасуви тобора кенгаймоқда.

ИНТЕРНЕТ ТАРИХИДАН

1969 йил. АҚШ Мудофаа вазирлиги томонидан компютерларни бир-бирига улаш лойиҳаси ишлаб чиқилди. Бу борада кўпгина илмий изланишлар ўз натижасини берди. Калифорния ва Юта штатларидаги турпанга компютерни ўзаро боғлашга муваффақ бўлди. Ушбу тармоқ "Арпанет" (ARPANet) деб аталди. Мазкур янгиллиқни ривожлантириш мақсадида "Арпанет" АҚШ миллий-илмий жамиятнинг ихтиёрига топширилди. 80-йилларга келиб бу тармоқ анча кенгайиб, "Нсфнет" (NSFnet) номини олди. Аввалига мазкур тизимга компютери бўлган қорхоналар улана бошлади. Кейинчалик бу тармоқ "Интернет" деб номланди. 1994 йилнинг ўрталарига кенг фойдаланувчилар оммаси томонидан интернетта қизиқиш йўқ эди, чунки унга улашиш ва ишлаш технологиясининг оқийди фойдаланувчилар учун мураккаб бўлган. Интернетнинг оммавийлашувида илк қadam Web технологиясининг юзага келиши бўлди. Web технологияси инсон ва компютер ўртасидаги мулоқотни жуда содда қўринишга олиб келди. Ҳатто, компютерда ишлаб кўрмаган одам ҳам бир кунда бемалол компютер ёрдамида интернет орқали мулоқот қилишни ўзлаштириб олиши мумкинлигини исботлади.

Бугунги кунда бутун ривожланган мамлакатлар Интернетдан тўлиқ ва унумли фойдаланиш жараёнига ўтган. Масалан, ахборот ва алоқа технологияларида илгарилар кетган АҚШнинг собиқ президенти Билл Клинтон 1997 йилнинг феврал ойида Америка мақолабларидаги ҳар бир синф ва кутубхона 2000 йилгача жаҳон тармони — Интернетга улашиш ва ҳар бир 12 яшар америкалик унда ишлаш оладиган бўлишига эришиш лозимлиги ҳақида гапирганди.

Ўзбекистонда ҳам интернетта қизиқиш кучайди. "Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури"да илгор ахборот технологияларидан кенг фойдаланиш таъкидлаб ўтилган. Ўзбекистонлик ёшлар учун қатор имкониятлар яратилган. Бир қанча Интернет маълумотлари билан таъминловчи (провайдер)лар ва Интернет-кафедрлар фаолият кўрсатмоқда. Булардан ташқари, Интернетни ўрганиш ва унда ишлашни хоҳловчилар учун махсус курслар бор. Республикамызда "Интернет-UZ" фестивали, Интернет-Форум ўтказилди. 2000 йилда талабаларга, мактаб ва лицей ўқувчиларига мўлжалланган янги дастур ва Web-саҳифа яратилди. Мазкур дастур интернетни ўзбек тилида ўргатиш бўйича биринчи бўлиб нашр этилган электрон дарслик ҳисобланади.

И.АХМЕДОВ тайёрлади



"Қашқадарё Телеком" ШК Косон филиалининг ёш алоқачиси — АТС электромеханиги Жасур ХУСАНОВ ишдан ажралмаган ҳолда Ташкент ахборот технологиялари университетидан сиртдан тахсил олмақда. Булажак муҳандис ҳозирда ҳаммаслари ишончли қозонган.

Т.ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlarga aloqa korxonasi" филиали жамоаси 2-халқаро магистрал алоқа техник боғламаси раҳбари М.Календарёвга онаси

Рена ИБРАГИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlarga aloqa korxonasi" филиали жамоаси Обиджон ва Олимжон Абдубаевларга оналари Зарифа АБДУБАЕВАНING вафоти муносабати билан таъзия изхор этади.

Қўқон шаҳар 2-халқаро магистрал алоқа техник боғламаси жамоаси қорхона директори М.Календарёвга онаси Рена ИБРАГИМОВАнинг вафот этганлиги муносабати билан таъзия изхор этади.

"Ўзбектелеком" АК "Shaharlarga aloqa korxonasi" филиали жамоаси қорхона етакчи мутахассиси И.Ласкина ва телефони С.Глазуновларга оналари

Тамара ЛАСКИНАнинг вафот этганлиги муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

РАДИО ИХТИРОЧИСИ ПОПОВНИ ЁКИ МАРКОНИ?

• Биласизми?

Телеграф, радио тарихида ўчмас из қолдирган машҳур италян олими Гулелмо Маркони 1874 йилнинг 25 апрелида Италиянинг Болонья шаҳрида, зодаган оиласида туилган. 1879 йили рус олими, радио кашфиётчиси Поповнинг радиотехника соҳасида ишлаб топган маблағи 900 рублга етганда Маркони сармояси 6000 рублга эди.


1896 йили Маркони англияликлардан сармоя олиб, электр сигналларни импульс тарзда узатишни амалга оширди. Шу йили италиялик ихтирочи томонидан радиоалоқа соҳасида қилинган ишлар ҳақида матбуотда ёзилди.

1897 йил, 8 июлда "Петербург газетаси"да профессор Д.Лачиново билан Маркони учрашуви ҳамда телеграф иши (симсиз телеграф алоқаси) тўғрисидаги хабар чоп этилди. Газеталарда бу ихтироларнинг Поповга тегишли эканлиги қайд қилинди, аммо радиони биринчилардан бўлиб амалда жорий этган олим Маркони-дир. Электромагнит тебранишларни тажрибада синаб, симсиз телеграф ўрнатган Маркони ва Поповларнинг радиопремник чизмалари электротехника институтидан 1897 йили кўриб чиқилди. Бу ҳақда рус олими Попов шундай фикр билдирган эди: "Иккимизнинг ҳам схемамиз мантаник бир бўлса-да, линия резонанс тушуви, юқори сезгирлиги билан бир-биридан фарқ қилади".

Маркони Англияга келганида 15 км. масофага симсиз сигнал юбориб, алоқа ўрнатишни тажрибада кўрсатади. Унинг ташаббуси билан 1899 йили Англия ва Францияда радиозенитиришлар узатилди. Ўша йилнинг қишида саёзликка ўтириб қолган "Генерал-адмирал Ап-

раксин" кемасини, 1900 йили эса муз устидаги балиқчилар гуруҳини кутқариш учун юборилган "Ермак" муз ёрар кема-

унинг кейинги кашфиётлари ҳам қизиқар эди. Шу йилларда Маркони телеграф станцияга эга бўлди ва ушбу соҳани



Попов схемаси (а) ва Маркони схемаси (б)

сига радио ўрнатилди.

1900 йилнинг сентябр ойида Филадельфияда чоп этиладиган "North american" газетасида телеграф соҳасининг яна бир ютуғи ҳисобланган 262 мил ва кейинчалик 42 милга мосланган телеграф аппаратурасини яратганлиги тўғрисида Маркони мақола эълон қилди. Шуниси қизиқарлики, олимнинг дўсти Прис Виллям электротехниклар анжуманида Маркони яратган қурилма ҳақида фикр билдиради, аммо унинг тузилишини сир сақлайди.

Маркони ташаббускор, эгчил ва бадавлат бўлганлиги туфайли ўз ихтиросига патент олди ва акциядорлар жамияти, бой кутубхона (электротехника соҳасидаги журналлар билан доимий тўлдирлиб бориладиган) ташкил этди. Маркони фирмасида бир қанча мамлакатларнинг мутахассислари — Бранли ва Перар (Франция), Ложетт (Англия), Риги (Италия), Слаби ва Неспер (Германия) ва Жон Фелеменглар ижод қилган.

1902 йили Маркони Россияга ташриф буоради ва у ерда харбий генерал-губернатор Марков билан учрашади. Марков олим билан "Генерал-адмирал Апраксин"ни кутқарув ишлари жараёнида танишган ва

ривожлантириб, узок масофага радиосигналлар юборди, радио-телеграф орқали 1903 йилда бутун дунё билан алоқа ўрната олди. Кашфиётчи радиоалоқанинг универсал эканини сукулликда, сувда ва ҳавода (ҳаво шарлари ёрдамида) тажрибалар ўтказиб, тасдиқлади. Алоқанинг бу уч тури ханузгача қўлланилмоқда. Буларга фақат

космик радиоалоқа ва кичик масофаларда ер қалинлиги орқали олиб бориладиган алоқа қўшилди, холос. Радиони амалда қўллагани учун олимга Нобел мукофоти берилди.

1908 йилга келиб радионинг ҳақиқий ихтирочисини аниқлаш мақсадида тортишувлар авж олди. Хусусан, руслар радио ихтирочисини сифатида Поповни тан олса, италяндар Маркони-дир дейишди.

Гараунинг телеграф, телефон ва радио тарихига доир китобида "Маркони ҳеч нарса ихтиро қилган эмас, у фақат ўзидан олдин бу соҳада ишлаган кишилар гоғларидан фойдаланган холос" дейилган бўлса, 1947 йилга келиб Римда Марконига бағишланган йилгида Италия почта, телеграф ва телефон вазир Мерлин "Ҳукумат сигнал ва товуши сўз ёрдами билан радио орқали алоқа қилишни кашф этиш бахти буюқ Марконига тегишли эканлигини тасдиқлайди" деди.

Буюқ олим 1937 йил, 20 июл куни Римда вафот этади.

Ташкент ахборот технологиялари университети талабаси Голиб ЖАЛИЛОВ тайёрлади

• Алоқа матбуот кўзгусида

ЙЎҚ, БУ КАРИЕС ЭМАС, УЯЛИ ТЕЛЕФОН!

Яқинда мобил телефонларни... тиш телефонларига алмаштириб қолсак ажаб эмас. Лондондаги Қироллик санъат коллежи ўқувчилари тиш ичига жойлаштириб қўйиш мумкин бўлган телефон яратдилар. Ўта митти бу қурилма ташқаридан сигнал қабул қилади ва ўзидан ҳам кичикроқ мембрана ёрдамида уни овоз тўлқини айлантдириб, жаф орқали қулоққа етказиб беради.

Кашфиётчиларнинг айтишича, янги телефонни оддий операция ёрдамида тиш ичига жойлаш мумкин, бу катта машаққат ва маҳорат талаб қилмайди. Гарчи Жеймс Ожер ва Жимми Луазо яратган бу янгилик ҳали макет ҳолида бўлса-да, унга

бемалол коммуникация платасини ўрнатиш мумкин. Шунда у ҳақиқий, ишлайдиган техникага айланади. Ҳозир технологиялар шу қадар ривожланиб кетганки, микрочипларнинг катта-кичигини яратиш у қадар муаммо эмас.

Ажабо, бу телефонни қаерда қўллаш мумкин экан дериш? Иқтидорли ўқувчиларнинг сўзларига қараганда, футбол мураббийлари ўйинчилар билан гаплашиши, зарур шароитда керакли гапларни айтиши, маслаҳатлар беришида бу телефон айнақса жуда қўл келади. Балки Япония ва Жанубий Кореяда ўтган жаҳон чемпионати ҳали қўллаб бошқа кашфиётларга ҳам сабаб бўлар...

ЎЛФОН ҲАМ ЭВИ БИЛАН...

Тайван Транспорт ва алоқа вазирлиги мамлакат аҳолисини уяли алоқа хизмати билан таъминлаш 100 фоиздан ошиб кетганлиги ҳақида нотири қилади тарқатди. Унда 22,6 млн. аҳолининг уяли алоқа билан таъминланганлиги кўрсатилган. Агар Тайван аҳолисининг умумий сони 22,3 млн. ва шундан 20 фоизини 14 ёшта етмаган ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, ҳар бир тайванликка биттадан ортиқ телефон тўғри келиши аён бўлади. Демак, Тайван аҳолиси жаҳонда "мобили-

зация" бўйича етакчи ўринда туради. Бу борада ўтган йили биринчи ўрин Люксембургга тегишли бўлиб, унинг қамров кўрсаткичи 96,6 фоиз эди.

Юқоридаги хабар билан бир вақтнинг ўзида эълон қилинган ҳаққоний ахборотта биноан Тайван аҳолисининг 57,7 фоизи тармоқли алоқа билан таъминланганлиги маълум бўлди.

ИНТЕРНЕТдан олинди

УШБУ ДУНЁДА

Дунёнинг ишидан лол бўлмаган ким,
Кимдир отда бўлса кимдир пиёда.
Иккимиз дунёни кузатамиз жим,
Хайронмиз, онажон ушбу дунёда.

Қиздирар қуёшнинг тафти қумликни,
Қўнғироқ овози кезар қасёда,
Бир карвон ўтади бузиб жимликни,
Карвонмиз, онажон ушбу дунёда.

Доимо Оллоҳдан рўшнолик сўраб,
Йиғлар умид кутган қўллар самода.
Қўрмаган бахтимиз орзуга ўраб,
Армонмиз, онажон ушбу дунёда.

Ойнинг юзларидан нур ёғар сим-сим,
Ишқилиб умрингиз бўлсин зиёда.
Дунёнинг устуни бўлолмас ҳеч ким,
Меҳмонмиз, Онажон ушбу дунёда.

ЁШЛИК

Гоҳида гашланар юрагим,
Самога етади ўтинчим.
Англайман бу дунё бевафо,
Мен эса бир меҳмон – ўткинчи.

Бир куни оқ тушар сочга ҳам,
Ажинлар оралар юзимга.
Кексалик эшикни қоққанда,
Мен ғариб кўрингум ўзимга.

Белдан куч, кўзимдан нур кетар,
Қайтмас бўп кетар бебошлигим.
Қадрдон ҳассамни кучоқлаб,
Мен сени эслайман, ёшлигим.

Назм гулшани

О, ёшлик умримнинг баҳори,
Кел, сени кўтарай юксакка.
Кўзимнинг тубида ардоқлаб,
Сўнг кўмиб қўяйин юракка.

ШАМ ЁНМОҚДА

Шам ёнмоқда лов-лов тўлғониб,
Тор кулбага нурларин тараб.
Гуё кулба унга кенг дунё,
Ўзин эса бир қуёш санаб.

Шам тўлғониб ёнмоқда, аммо,
Билмас тоннинг отаётганин.
Тонг ҳам майли, э воҳ сезмайди,
Умри тугаб бораётганин.



Усмон Йўлдош

**МАШХУРЛАР
ҲАЁТИДАН**

– Икждой ишингизга оила аъзоларингизнинг ёрдами тегадими? – деб сўрашди журналистлар машхур ихтирочи Эдисондан.

– Албатта! – деди Эдисон, – масалан, айтилик, миямга ажойиб бир фикр келиб қолди. Шунда мен ўзимча қўлдан қўйиқ ахтара бошлайман. Жаҳлим чиқиб, эшикни тарақлатиб ётаманда, хонамда ўпирволиб, ишлайвераман. Уйдагилар жаҳлимни чиқармаслик учун кўрқиб-қаттираб, оёқ учида юришади. Ана шу фурсатдан унумли фойдаланиб, ўз кашфиётларимни қиламан.

Адабиёт ва санъат намояндларининг ҳомийси ҳисобланган бир давлатманд кишиникида бўлаётган кечача Флюбердан сўраб қолишди:

– Ҳар бир жумла устидан қанча вақтгача бош қоптириб ишлаш лозим?

– Хотинингиз то овқатга чакирмагунча, – деб жавоб берди ёзувчи.

Бир куни Пабло Пикассо бир кишининг портретини чизиб бўлгач, унга деди:

– Мана, расмингиз ҳам тайёр. Энди ўзингиз унга ўхшашга ҳаракат қилинг!

Эмил Золянинг мухлисари-дан бири отчопарга пойгага кетаётиб, гаровда ютиш учун қандай отга пул тикса бўлади, деб сўради машхур ёзувчидан. “Қайси от биринчи бўлиб келса, ўшанга тикши керак”, деб маслаҳат берди ёзувчи.

– Жаноб профессор, – деб мурожаат қилди бир йигит Биллротта, – нега ичимлик ёшларнинг миясигаю кексаларнинг оёқларига таъсир қилади?

– Ичимлик ҳаминша заиф жойни қидиради-да, – деб жавоб берди Биллрот.

Таниқди немис rassоми Макс Слефогт машхур бўлмасидан олдин жулда қўйинчилик билан кун кечирар эди. Бир кун харидор у чизган расм олишда узоқ вақт туриб қолди.

– Бу расм шунчалик ажойиб эканки, унга қараб ҳеч тўймаймман! – деди у.

– Мен ҳам, – жавоб берди Слефогт, – шунинг учун ҳам уни сотмоқчи бўлиб турибман-да!

**ДАРАХТЛАРДА ҲАМ
ЖОН БОР**

Дарахтларнинг ҳам жони бор. Тана – орқа мия, бутуқлари – 72 минг асаб торлари, ранги – баданнинг асосий маркази, барглари – ўпкасиدير.

Инсонлар билан дарахтлар ўртасида алоқа мавжуд. Агар алоқа бўлмаса, дарахтлар даволаниши, инсонга яхшилик қилишини, баъзида ҳаёт тарзини ўзгартиришини биз қаердан билардик? Илм-фан бугун бундай саволларга жавоб беришга ҳаракат қилмоқда. Баргларига капалак қурти тушди дейлик, дарахтлар олдиндан хавфни сезгандек, бир-бирларига хабар юбориб, ўз химиявий “заҳар”ларини ишлаб чиқаришаркан. Аниқ ва тўғри хабарнинг “тили” ҳали бизга номаълум бўлсада, таржибаларнинг кўрсатишича, тана ва бутуқлар SOS хабарини юборишаркан. Балки ахборот узатишда биомайдон иштирок этар. Табиатнинг бу мўъжизаси хусусида фанда баҳс кетаяпти.

Агар халқ тиббиётидаги

эски дугатларга эътибор берсангиз, ҳайратомуз тажрибаларга дуч келасиз. Мисол учун, Марказий Осиёда тут ва терак дарахтлари хосиятли ҳисобланган ва уни ота-боболаримиз кўпроқ экишган. Очарчилик йилларида ҳам тут пишғинга етганлар тирик қолган. Тут дарахтини кесиш бахтсизлик саналган. Илгари оилада ўғил туғилса, яхши ният қилиб терак экишган.

Қадимги Миср ва Яқин Шарқда эшиқолди ва деразаларга алоэни осиб қўйиш одат бўлган. Бу ўша хонадон аҳлининг соғ-саломат юриши, узоқ яшашни белгисини билдирган.

Еронгул қалбингизда муҳаббат уйғотади, ҳар хил сеҳр-жолдулардан сақлайди, япрогидан эса фол очишда фойдаланилади. Барги билан саволлар ёзиш мумкин. Агар ёзув тез қуриса, салбий жавоб, секин қуриса, демак яхшилик аломатидир.

Олимларимизнинг фикрича, дарахтлар ва ўсимликларда асаб тизими мавжуд. Улар ҳам инсонлардек дунёни сезаркан.

МУАЛЛИФ 37 ЎҚУВЧИ

Париж шаҳрида ўрта асрда яшаган қароқчининг сарғузашлари ҳақида ҳикоя қилувчи “Том Ван Дейк” номли китоб сотувга чиқди. Унинг муаллифи Франция

пойтахти мактабларидан бирининг 37 ўқувчисидир. Улар она тили ўқитувчисининг фикри билан ушбу романини ёзишди. Асарнинг ҳар бир бобини бир ўқувчи битган.

ОНАНИНГ ЁРДАМИ


Англиялик боксчи Тони Уилсон ўзи қатнашадиган мусобақаларга эндиликда онасининг келишини ташқиклаб қўйди. Сабаб – мусобақаларнинг бирида юз берган воқеа бўлди. Ушанда Тонининг рақибни уни роса “каттаклайди”. Бунга чидай олмаган она рингта шартга чиқиб, ўзларининг ра-

қибига ташланади. Қутилмаган ҳужумдан довлдираб қолган рақиб жангдан воз кечади. Натижанда Уилсон голиб деб топилса-да, унинг ўзи бундан норози бўлади ва рақиб билан қайта бокс тушишини талаб қилади. У ўз ғалабасини қизикқон онасининг “ёрдамисиз” намоёниш қилмоқчи эди, аммо...

БОШИ ТОШДАН ҲАМ ҚАТТИК

Испаниянинг Транала шаҳри фуқароси Алехандро Осорнос тўпни боши билан уйнаётган футболчиларни кўрса, мийиғида ку-

либ қўяди. Бунинг сабаби бор, албатта, чунки 23 ёшли бу йигит боши билан футбол тўпини эмас, балки уч килогача бўлган турли тош-



ларни бемалол 4-5 метр масофадан боши билан қабул қила олади. Маълум бўлишича, Осорноснинг

бош суяги оддий одамларникига нисбатан бирмунча қалин экан.

ХИТОЙЧА ТАГСЎЗ

Қўшма Штатлардаги Хитой ресторанидан бирига бир аёл таширф бюрганди. Аёлга таомнома муқовасидида хитойча ёзув жузда ёкиб қолди. Шунинг учун аёл ёзувни кўчириб олди ва кўп ўтмай қўйлагининг кўкрак қисмига тикиб қўйди.

Ҳақат анча вақт ўтгандан кейингина...

Ушанда бир таниши хитойча бу ёзувни таржима қилиб берди: “Бу лаззатлан ҳеч иккиланмай тезроқ баҳраманд бўлинг. Кейин афсусланиб юрманг тагин”.

Ў.САИДОВ тайёрлади

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

“Андижон Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари корхона электралоқа бўлими муҳандиси **Валентина ЖУЖОМАНИ** 55 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан қўллайди. Унга узоқ умр, সিҳат-саломатлик ва барча эзу тилаклари ижобат бўлишини тилайди.



“Сурхондарё почтаси” акциядорлик жамияти Жарқўрғон филиали жамоаси корхона директори **Тўра ЭШМАТОВ**ни туғулган куни билан самимий табриқлайди. Унга узоқ умр, оилавий хотиржамлик, ишларида ривож тилаб қолади.

МУАССИС:
Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

Бош муҳаррир:
Шодмон ОТАБЕК

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шомансур ОБИДУЖАЕВ,
Шухрат ЖАББОР,
Анатолий КУДИНОВ,
Иззат АХМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Мирпўлат МИРЗО,
Рустам ҚОСИМОВ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, Тошкент-35,
А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛ: 136-36-42, 136-35-29,
144-29-09.
Факс: 136-36-42.
Habar@uzapt.uzpak.uz
ИНДЕКС: 64600
Жума кунлари чиқади

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида 00011 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма №Г-673.
5434 нусxada чоп этилди. Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табақ.
Газета тахририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.

«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ БОСМАХОНАСИ.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.
Матн терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА
Саҳифаловчи: Ш.КИМШАНБОВ
Босишга топширилди — 18.00
Босишга топшириш вақти — 18.00